

# Ақоид илми турли асрларда турлича номлар билан танилган | Ақийда дарслари (264-дарс)



19:00 / 12 февраль 1522

## 1. «Фикҳул Акбар».

Бу илмнинг энг қадимги номларидан бири «Фикҳул Акбар» илмидир. Бу номни берган киши имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳидирлар (ҳижрий 150 санада вафот этган). У киши ақоид бўйича бир китоб имло қилиб, уни «Фикҳул Акбар» деб номлаганлар. Бу китоб чоп қилиниб, у ҳанафийлар ва бошқалар томонидан ўрганилади. Аммо асрдош ҳанафийлар бу китобни билсалар ҳам, эътироф этмайдилар. Уларнинг баъзи ақоидлари бу китобга хилоф ва зиддир.

Бу илмнинг мазкур ном билан аталишининг сабаби, ақоид фикҳ ва унинг турларининг асосидир [\[1\]](#).

## 2. «Илмул Калом».

Бу исм ақийда илмининг энг машҳур исмидир. Бу исм ўзидан олдинги исм – «Фикҳул Акбар» исми билан бир асрда, яъни иккинчи ҳижрий асрда зоҳир бўлган кўринади. Чунки бу исм имом Абу Ҳанифадан, имом Моликдан (ҳижрий 78 санада вафот этган), имом Шофеъийдан (ҳижрий 204 санада вафот этган) ва бошқалардан ривоят қилинган. Чунки улар Илми Калом ва мутакаллимларга тегишли ҳукмлар ҳақида баҳс юритганлар. («Ишоратул Маром», 28-29-бетлар).

Бу исмнинг ишлатилишига сабаб шуки, эътиқодий баҳсларнинг энг машҳури, эътиқод масалаларининг баҳс қилувчилар ўртасида энг кўп низоларга сабаб бўлгани, ихтилофлар келтириб чиқаргани Аллоҳнинг каломи ҳақидаги масаладир.

### 3. «Илму усулид-дин».

Яъни Ислом шариати ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни баҳс қилувчи илм дегани. Чунки бу илм асл бўлиб, бошқа диний илмлар унга эргашади.

Бу ном ҳам иккинчи ҳижрий асрда Аллоҳ таолонинг

السَّمَاءِ فِي وَفَرَعُهَا ثَابِتٌ أَصْلُهَا

«Унинг асли собитдир. Фаръи (шоҳлари) эса осмонда» (Иброҳим сураси, 24-оят) оятига асосланиб, шаръий ҳукмлар аслларга ва фаръларга тақсим қилинганидан кейин келиб чиққан.

Бу исмни биринчи бўлиб ишлатган шахс имом Абул Ҳасан Ашъарийдир. У киши ўз китобини «Ал-Ибона ан усулид Дияна» деб номлаган. Кейин эса Абдул Қоҳир Бағдодий Ашъарий (ҳижрий 429 санада вафот этган.) ўз китобини «Усулуд дин» деб номлаган. Ундан олдин эса Лолкой ўз китобини «Усулус Сунна» деб номлаган (ҳижрий 418 санада вафот этган.) Шундан кейин бу исм машҳур бўлиб кетган.

### 4. «Илмул Ақоид».

Бу исм ўзидан олдинги исмлардан кейинроқ, тўртинчи ҳижрий асрда пайдо бўлган. Ақоид фалсафа билан, нақлий ақийдалар ақлийлари билан аралашиб кетганидан кейин, салафи солиҳнинг холис ақийдасини кейингиларнинг фалсафа аралашган, ақлий таъвилларга қоришган ақийдасидан ажратиш учун ушбу исмни ишлатишга ҳожат тушган. Имом Таҳовий ҳам ўз рисоласини «Ал-Ақийда» деб номлаган, кейин одамлар «Ат-Таҳовия» сўзини қўшганлар, шундай қилиб «Ал-Ақийдатут Таҳовия» бўлиб қолган.

## **5. «Илмут-тавҳид вас-сифат».**

Бу исмни тўққизинчи ҳижрий аср ва ундан бир оз олдинги қадимий манбаларда учратамиз. Тафтазоний ўзининг «Ақоиди Насафия»га ёзган шарҳи муқаддимасида, «Ат-Тавзийҳ» китобига ёзган «Ат-Талвийҳ» номи ҳошиясида ушбу исмни ишлатган. Тафтазоний бу исмни ишлатиш сабабини баён қилиб: «Сифат ҳақидаги баҳслар илми каломнинг энг машҳур баҳсларидан ва энг шарафли ғояларидан бири бўлгани учун ҳамда ўша илоҳий сифатлар ичида тавҳиднинг аҳамияти зўр бўлгани учун ушбу «Илмут-тавҳид вас-сифат» номи ишлатилиши маъқул», дейдилар.

## **6. «Илмут-тавҳид».**

Аслини олганда, тавҳид фақат илоҳий сифатлардан бири бўлибгина қолмай, балки Аллоҳга лойиқ бўлган ва Аллоҳнинг зотида Ундан бошқага лойиқ бўлмаган барча сифатларнинг баёнидир. У Ислом миллатининг шиоридир. Ислом у билан танилгандир ва бошқа бутун дунё динларидан имтиёзли бўлгандир.

Бу илмнинг энг машҳур ва энг шарафли баҳси Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти бўлгани учун зарурий ақийдалар илми шу ном билан аталган. Бу исм ўнинчи ҳижрий асрдан кейин кенг тарқалди. Мисол учун, ажойиб тафсир соҳиби Қосимий «Далоилут-тавҳид»ни ёзди.

## **7. «Илмун-назари вал-истидлол».**

Буни Тафтазоний ўзининг «Ақоиди Насафия» китобига ёзган шарҳи муқаддимасида зикр қилган.

«Назар» – нарсалар ҳақида фикр қилишдир. Яъни талаб қилинган мажҳул нарсага етишиш учун зеҳндаги маълум ишларни тартибга солишдир.

«Истидлол» – бир нарсани исбот ёки йўқ қилиш учун далил излашдир. Мутааххир калом уламоларининг кўп баҳслари соф назарий, ақлий бўлибгина қолмай, балки жадалиий ва қаноатлантирувчи бўлиб, фақат назар ва истидлолдан кейингина идрок қилиш мумкин бўлгани учун бу илмни «Илмун-назари вал-истидлол» деб номлаганлар.

Назарий баҳсларнинг аҳамияти ва уни мутааххир калом уламоларида кенг кўламда тарқалиши ақоид илмининг барчасига ном бўлишига сабаб бўлди. Бу бир бутун нарсани уни энг муҳим бўлаги билан аташ қабилга кўрадир.

***Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан***

[1] Аслида «фиқҳ» сўзи бир нарсани нозик-нозик жойларигача аниқ ва тўлиқ фаҳмлашни англатади. Намоз, рўза, олди-сотди, бошқа муаммолар каби амалий-шаръий ҳукмларни аниқ ва тўлиқ ўрганувчи илмга фиқҳ деб аталади. Шаръий ақийдавий аҳкомларни аниқ ва тўлиқ ўрганувчи илмга эса «Фиқҳул Акбар» – катта фиқҳ деб айтилади. Чунки шу илм билинмаса, уни тушуниб етилмаса, қилинган амаллар ҳам муроддагидек бўлмайди. Шунинг учун ҳам амалий фиқҳ – кичик фиқҳ, ақийдавий фиқҳ – катта фиқҳ ҳисобланади.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.